

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.ФП.60.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИШАНЖАНОВА МУНОСИБХОН САИДАҲМАДОВНА

**“МАКОН”НИ ИФОДАЛОВЧИ ДЕЙКТИК БИРЛИКЛАРНИНГ
ЧОҒИШТИРМА ТАДҚИҚИ
(француз ва ўзбек тилларидаги матнлар таҳлили мисолида)**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик
ва таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Андижон – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD)

Ишанжанова Муносибхон Саидахмадовна

“Макон”ни ифодаловчи дейктик бирликларнинг чоғиштирама тадқиқи
(француз ва ўзбек тилларидаги матнлар таҳлили
мисолида).....5

Ишанжанова Муносибхон Саидахмадовна

Сопоставительное исследование дейктических единиц выражающих
«пространство» (на примере анализа текстов французского и
узбекского языков).....23

Ishanjanova Munosibkhon Saidakhmadovna

Comparative study of deictic units expressing "space" (on the example of
the analysis of texts of the French and Uzbek
languages).....43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works47

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.ҒИ.60.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИШАНЖАНОВА МУНОСИБХОН САИДАҲМАДОВНА

“МАКОН”НИ ИФОДАЛОВЧИ ДЕЙКТИК БИРЛИКЛАРНИНГ
ЧОҒИШТИРМА ТАДҚИҚИ
(француз ва ўзбек тилларидаги матнлар таҳлили мисолида)

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик
ва таржимашунослик

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.PhD/Fil152 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Андижон давлат университетининг веб-саҳифаси (www.adu.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Набиева Дилоро Абдулхамидовна
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Якубов Жамолiddин Абдувалиевич
филология фанлари доктори, профессор

Ахророва Рўзихон Усмоновна
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

Наманган давлат университети

Диссертация ҳимояси Андижон давлат университети ҳузуридаги илмий даража берувчи PhD.03/30.12.2019.Fil.60.02 рақамли Илмий кенгашнинг «24» 08 2021 йил соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 170100, Андижон шаҳар, Университет кўчаси 129 уй. Тел: 0(374) 223 88 14; факс: 0(374) 223 88 30 e-mail: agsu_info@edu.uz.

Диссертация билан Андижон давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин 951 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 170100, Андижон шаҳар, Университет кўчаси 129 уй. Тел: 0(374) 223 88 14.

Диссертация автореферати 2021 йил «13» 08 кун тарқатилди.

(2021 йил « » рақамли реестр баённомаси)



Ш.Х.Шахабитдинова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, ф.ф.д., профессор

Ф.Ф.Усманов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, ф.ф.д. (PhD)

М.Н.Умарходжаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Мавзунинг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида ҳар бир халқ тилида дейкис ҳодисасини лингвистик нуқтаи назардан тизимли равишда таҳлил этиш ва матн мазмундорлигини оширишдаги аҳамиятини очиб бериш алоҳида эътиборни тортади. Шу боис дейктик бирликларнинг структур-семантик, грамматик, стилистик хусусиятларини аниқлаш тилшунослик олдида турган муҳим масалалардан бирига айланди. Уларни тиллараро қиёсий йўналишда ўрганиш тилда нутқий ҳодисалар грамматикалашувига тааллуқли миллий белгилар, матн ва дискурс прагматикаси ва стилистикаси, ҳар бир тилдаги дейктик бирликларнинг таснифи, структур-семантик хусусиятларини белгилаш имконини бериши билан муҳим аҳамият касб этади.

Дунё тилларида дейктик бирликларнинг функциялашув жиҳатлари прагмалингвистика, когнитив лингвистика, коммуникатив лингвистика каби замонавий йўналишлар доирасида кенг тадқиқ этилмоқда. Ушбу йўналишларда дейктик бирликлар турли тизимли тиллар мисолида узлуксиз муҳокама қилиниб келинаётган бўлса-да, маконни ифодаловчи дейктик бирликларнинг француз ва ўзбек тилларида ифодаланиш хусусиятларини тизимли ўрганиш ҳамда уларнинг семантик таснифлаш тамойилларини ишлаб чиқиш ва дейктик механизмларни янгича ёндашув асосида очиб бериш заруриятини тақозо қилади.

Мустақиллик даврида ўзбек тилшунослигида лисоний белгиларнинг нутқий мулоқот жараёнида қўлланиш хусусиятлари, коммуникатив мақсадни амалга оширишда прагматик бирликларнинг аҳамияти, улар ичида коммуникантлар фикрини баён қилишда энг самарали воситалардан ҳисобланган дейктик бирликлар мазмун-моҳиятини ўрганишга қизиқиш кучайди. Ҳозирда “Мамлакатимиз тараққиётининг замини, ҳеч шубҳасиз, илм-фан ва инновациялар”¹ эканлиги ҳақидаги сўзлар бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтириш вазифасини юкламоқда. Инновацияларни амалда қўллаш эса тилнинг турли сатҳларида мунозарали бўлган дейктик бирликларнинг назарий масалаларини чуқур тадқиқ этишни тақозо этмоқда. Чунки дейктик бирликларнинг нутқий тузилмалардаги ўрнини аниқлаш француз ва ўзбек тилларидаги макон дейктик бирликлар услубий хосланганлиги ва нутқий вазият воқелик билан боғланишига кўра умумий ва фарқли белгиларга эгаллигини асослаш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги «Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4732-сон, 2016 йил 13 майдаги «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-4794-сон, 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси – <https://uzlidep.uz/uz/news-of-uzbekistan/7998> (Мурожаат қилинган сана: 02.01.2021.)

Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўргатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1875-сон, 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сон қарорлари мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу илмий тадқиқот маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги давр тилшунослигида дейксис табиати ва моҳиятини очиб беришни тадқиқ этувчи изланишлар устуворлик касб этмоқда. Хусусан, дейктик белгиларни антик даврда дейксиснинг алоҳида тил ҳодисаси сифатида тадқиқ қилмаган бўлсалар-да, замонавий тилшунослик даврига келиб, дейксис ҳодисаси прагматиклингвистиканинг асосий таркибий қисмларидан бири сифатида тадқиқ этилмоқда. Бунга кўра, муайян нутқий актга тегишли жумладаги прагматик омилларнинг воқеланиши шахс, макон ва замонни англаувчи дейктик воситалар иштирокида амалга оширилади².

Дейктик бирликларни тадқиқ этишда француз олимлари Т.Фразер, М.Виййом, Ж.Клейбер, А.Жобер³ рус олимлари М.Хмелевская, С.Терехова, О.Бондаренко, Б.Протасова, П.Амирова, А.Алферова, Н.Курикова, Н.Серебрянская, К.Щербаков⁴ кабилар ўз изланишлари билан ҳисса қўшдилар.

Сўнгги йилларда ўзбек тилшунослигида ҳам дейксис бўйича бир қатор илмий тадқиқотлар майдонга келди. Булар орасида С.Рахимов, Ш. Сафаров, Н.Маҳмудов, А.Шерматов, М.Ҳамраев, Г.Болтақулова, Р.Давлатова,

²Щербаков К.Ю. Прагматика дейктических полей с разноплановой структурой (на материале английского языка). Автореф. дис... канд. филол. наук. – Кемерово, 2005. – 28 с.

³Fraser T. Joly A. Le système de la deixis. Endophore et cohésion discursive en anglais, dans modèles linguistiques, II, 2, 1980. – P. 22-51; Vuillaume M. La deixis en allemand, Thèse de doctorat d'Etat, Université de Paris IV, 1980; Kleiber G. Déictiques, embrayeurs, "token-reflexives", symboles indexicaux, etc.: comment les définir?, dans l'information grammaticale, 30, 1986. – P. 3-22; Jaubert A. La lecture pragmatique. Paris, 1990.

⁴Хмелевская М. А. Функционально-семантическое поле дейксиса в современном английском языке // Вестник С. – Петербургского университета, 1993. – Серия язык, литература, история. – №4. – С. 50–54; Терехова С.И. Просторовый дейксис і способи його експлікації (на матеріалі української, російської та англійської мов). Дисс... канд. филол. наук.. – України, Ін-т української мови. – Київ, 1998. – 201 с; Бондаренко О.Г. Функционально-семантическое поле дейксиса. Дисс. .. канд. филол. наук, Ростов-на-Дону, 1998. – 170 с; Протасова Б.Б. Пространственно указательные наречия в бурятском языке: семантический аспект. Дисс. ..канд. филол. наук.. – Улан-Удэ, 2006. – 174 с; Амирова П.А. Дейктические системы и средства их выражения в дагестанских и германских языках. Дис. .. канд. филол. наук. – Махачкала, 2006. – 156 с; Курикова Н.В. Феномен пространственного дейксиса в диалектной речи: На материале лексем “здесь”, “тут”, “там”. Автореф. дис. ..канд. филол. наук. – Томск, 2005. – 28 с; Серебрянская Н.А. Дейксис и его проекции в художественном тексте. Дис. д-ра филол. наук. – Волгоград, 2005. – 506 с; Щербаков К.Ю. Прагматика дейктических полей с разноплановой структурой (на материале английского языка). Автореф. дис. .. канд. филол. наук. – Кемерово, 2005. – 28 с.

Д.Лутфуллаева, Р.Абдурахмоноваларнинг ишлари диққатга сазовор⁵. Жумладан, Ш. Сафаров “нутқий фаолиятда доимо лисоний шаклни воқелик билан боғлаш ҳамда унга нисбатан шахсий муносабат билдириш эҳтиёжи”⁶ дейктик воситалар зиммасида эканлигини алоҳида таъкидлайди. У нутқий тузилма мундарижасини белгилар экан, *қачон?* ва *қаерда?* саволлари *ким?* саволининг ҳамроҳлигида юзага келишини, бунда макон ва замон ходисаларининг ўта муҳим элементлар эканлигини эътироф этади.

Кўринадики, дейктик воситаларнинг лисоний табиати ва матнларда қўлланилиши билан боғлиқ муаммолар уни тизимли тадқиқ этиш орқали ўз ечимини топади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Андижон давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Замонавий тилшуносликнинг долзарб масалалари» мавзуси билан боғлиқ равишда бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади француз ва ўзбек тилларида маконни ифодаловчи дейктик бирликларни чоғиштириш орқали умумий ва ўзига хос жиҳатларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

макон дейксисини лингвистик тадқиқ этиш ва матн сатҳида макон референциясининг ифодаланишига оид назарий концепцияларни тизимли равишда шарҳлаш;

француз ва ўзбек тилларида маконни ифодаловчи дейктик бирликларнинг идрок ва идрок доирасидан ташқари, аниқ-ноаниқ, маълум-номаълум, кўринарли-кўринарсиз, узоқ-яқин макон каби семантик турларини аниқлаш;

матнларда ифодаланган маконни ифодаловчи дейктик бирликларнинг француз ва ўзбек тилларида статик, динамик, макон чизиғи бўйлаб ҳаракатланиш ҳолатлари структур-семантик жиҳатдан Loc—локатив, DS—директив-старт, DF—директив-финиш, TrLoc—транслокатив ҳаракатнинг ҳосил бўлиш векторидан иборатлигини асослаш;

маконни ифодаловчи дейктик бирликларнинг дарак, сўроқ, буйруқ гапларда дейктик ва нодейктик хусусиятларда намоён бўлиши ҳамда кўшма гаплардаги ўрнини синтактик жиҳатдан очиб бериш;

⁵ Рахимов С. Речевая коммуникация и проблемы дейксиса в разносистемных языках. – Ташкент: Фан, 1989. — 89 с; Сафаров Ш. Прагмалингвистика. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – 254 б; Махмудов Н. Эргаш гапларнинг табиати ва таснифи масаласи. Ўзбек тили ва адабиёти журналы. № 3. – Тошкент, 1991. — Б. 14-20; Шерматов А. Инглиз илмий-техник матнида дейксиснинг ифодаланиши. Филол.фан.ном...дисс. — Самарқанд, 2007. — 155 б; Ҳамроев М.А. Ҳозирги ўзбек тилидаги кўрсатиш олмошларининг функционал-семантик хусусиятлари. – Тошкент, 2009. – 108 б; Болтақулова Г. Инглиз ва ўзбек тилларида темпораллик ва унинг дейктик хусусиятларининг киёсий-функционал тадқиқи. Филол.фан.бўйича фалсафа докт. (PhD) ..дис.автореф. — Тошкент, 2018. – 50 б; Давлатова Р. Ўзбек тилида макон дейксисининг ифодаланиши. Филол.фан.бўйича фалсафа докт. (PhD) ..дис.автореф. — Тошкент, 2018. – 50 б; Лутфуллаева Д. Алишер Навоийнинг дейктик бирликлардан фойдаланиш маҳорати // Алишер Навоий ижодий меросининг умумбашарият маъновий-маърифий тараққиётидаги ўрни мавзусидаги илмий анжуман материаллари. – Навоий, 2017. – Б. 269-271; Абдурахмонова Р. Дейксис тил тизимида коммуникатив ҳаракатни мувофиқлаштирувчи омил сифатида // ЎЗМУ хабарлари. № 1/2. – Тошкент, 2016. – Б. 212-214.

⁶Сафаров Ш. Прагмалингвистика. — Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – Б. 169.

француз ва ўзбек тилларидаги матнларда маконни ифодаловчи дейктик бирликларнинг воқеланиши, уларнинг эндофорик ва экзофорик боғловчи сифатида қўлланиб, бирламчи ва иккиламчи дейкисни ҳосил қилиши, анафора ва катафора каби услубий шакллари, маконни сўзловчи турган ўринга нисбатан мослаштириш билан боғлиқ стилистик хусусиятларини ёритиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида француз ва ўзбек тилларидаги маконни ифодаловчи дейктик бирликлар қатнашган матнлар танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предметини француз ва ўзбек тилларида маконни ифодаловчи дейктик бирликларнинг матн ва дискурсдаги ўрни ва аҳамияти ҳамда структур-семантик, грамматик ва стилистик хусусиятлари таҳлили ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотни олиб бориш жараёнида тавсифлаш, таснифлаш, оппозиция, компонент таҳлил ҳамда статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

макон дейкисининг мазмуний, шаклий, грамматик ва прагматик талқинлари шакллантирилган ҳамда унинг макон референциясида Loc-локатив, DS-директив-старт, DF-директив-финиш, TrLoc-транслокатив ҳаракатнинг ҳосил бўлиш векторида турли ўзгарувчан маконларни ифодалаш хусусиятлари очиб берилган;

француз ва ўзбек тилларида маконни ифодаловчи дейктик бирликларнинг макон семантикали гаплардаги *идрок доирасидаги макон/идрок доирасидан ташқари макон, аниқ/ноаниқ макон, маълум/номаълум макон, кўринарли/кўринарсиз макон, узоқ/яқин макон* каби структур-семантик моделлари аниқланган;

ўзбек тилида дарак гапларда экзистенциал сўз, сўроқ гапларда диктал сўроқ ва француз тилида буйруқ гапларда аниқ артикль ва детерминантларнинг дейктик маъно касб этиши, дарак гапларда улар нодейктик маънога эгалиги ҳамда ҳар икки тилда ўрин эргаш гапли кўшма гаплар ҳавола бўлақларининг дейктик маъно билдириши далилланган;

маконни ифодаловчи дейктик бирликларнинг француз ва ўзбек матнларидаги эндофорик ва экзофорик боғловчи сифатида қўлланиб, бирламчи ва иккиламчи дейкисни ҳосил қилиши, анафора ва катафора каби услубий шаклларининг матнларда қўлланилиш аҳамияти статистик таҳлил орқали асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

хорижий тиллар факультетларининг юқори босқич талабалари ва магистрантларига матн лингвистикаси, когнитив лингвистика, коммуникатив лингвистика бўйича маърузалар ва махсус курслар ўқитишда фойдаланилган;

амалга оширилган тадқиқотда матн таҳлили учун муҳим бўлган олмош, равиш сўз туркумларига тааллуқли маконни ифодаловчи дейктик бирликларнинг семантик тавсифлаш ва таснифлаш методикаси ишлаб чиқилган;

француз ва ўзбек тилларида дейктик бирликларнинг узок/яқинлик маъноларига кўра узатилаётган ахборотни адресатга етказишда маконни аниқлаштирувчи параметрлар тизими аниқланган;

тадқиқот тилшуносликда прагматик аспектларни ўқитишда амалий маълумотлар бериш ва прагмалингвистика бўйича ўқув-услубий қўлланмалар тайёрлашда асос бўлиб хизмат қилиши назарда тутилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертацияда фойдаланилган назарий маълумотларни беришда аниқ илмий манбаларга таянилгани, танланган манбаларнинг тадқиқот предметига мувофиқлиги, қўйилган масалаларнинг аниқлиги, қўлланилган ёндашув усуллари, келтирилган таҳлиллар тавсифлаш, таснифлаш, оппозиция, компонент таҳлил ҳамда статистик таҳлил методлари ёрдамида асосланганлиги, назарий фикр ва хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, унда француз ва ўзбек тилларидаги маконни ифодаловчи дейктик бирликлар чоғиштириб тадқиқ этилган бўлиб, бу иш макон дейксис назарияси, матн тилшунослиги, дискурсив тилшунослик, чоғиштирма тилшунослик ва услубшуносликка оид илмий-назарий қарашларни тўлдириш ва кенгайтиришда илмий манба бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти француз ва ўзбек тилларида макон дейксис ҳодисасининг матнлардаги ифода муносабатлари тадқиқи орқали чиқарилган хулосалар макон дейксис ҳодисаси масаласида муҳим илмий-назарий маълумотлар бериш, назарий ва амалий грамматика курси, грамматикадан махсус курслар ўқиш, маъруза матнлари тайёрлаш, ўқув-услубий қўлланмалар тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Француз ва ўзбек тилларида маконни ифодаловчи бирликларнинг чоғиштирма тадқиқи юзасидан олинган илмий натижалар ва амалий таклифлар асосида:

француз ва ўзбек тилларида макон ифодаловчи дейктик бирликлар юзасидан берилган илмий ва назарий фикрлардан А-1-126 рақамли «Узлуксиз таълимда ўқувчилар тил компетентлигини шакллантиришнинг замонавий усуллари» мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 13 октябрдаги 89-03-3890-сон маълумотномаси). Натижада тадқиқотдан ўрин олган материаллар ўқувчилар тил компонентлигини шакллантириш масалаларида макон ифодаловчи дейктик бирликларнинг ишора маъноси, уларнинг матн таркибидаги ўрни, француз ва ўзбек тилларида сўзларнинг дейктик табиати, мулоқот маданияти ва нутқ услубларига оид кўникмаларни ривожлантириш имконияти яратилган;

хорижий тилларни фанлараро боғлиқликда ўқитиш мақсадида мусиқа йўналиши талабаларининг ўқиш, тинглаб тушуниш, гапириш ва ёзув

кўникмаларини интеграциялашган усулда ривожлантиришга йўналтирилган “Manuel de français” ўқув кўлланмаси нашр қилинган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 30 июндаги 359-сон буйруғи, 359-112 рақамли гувоҳномаси). Натижада француз ва ўзбек тилларидаги макон ифодаловчи дейктик бирликлардан касбга йўналтирилган матнларда унумли фойдаланиш, шунингдек, тил компетенцияларини ривожлантириш ва талабаларга тилдан эркин фойдаланиш кўникма-малакаларини эгаллашлари учун хизмат қилган;

диссертация натижаларидан Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан 2020 йил 14-16 март кунлари Тошкент шаҳридаги Франкофония байрами доирасида ҳар йили ташкил этиладиган ўқувчилар ва талабаларнинг француз тилидаги театр ва кўшиқлар фестивали учун сахна сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонасини 2020 йил 7 сентябрдаги маълумотномаси). Сахналаштирилган «L'Arbre Citoyen» спектаклида француз тилида маконни ифодаловчи «*Donc, si je pars de ce principale là, si cultives mal ton potager, tu vas te mettre à genoux devant lui?, Là, je suis quand-même en traine de faire mon mea-cupla. J'ai réduit la température de chez moi., Autour de moi il n'y a que le chaleur, le vent, le sel et le sable un grand désert avec les bateaux qui navigueront jamais..., Vois – tu?!, Là c'est quand-même une performance., Tu n'es pas coupable, ouiiii regarde là !!!!*» каби дейктик бирликлар кўлланилган. Натижада тилнинг ишора бирликлари сахналаштирилган спектаклнинг таъсирчан бўлишига, томошабинларда спектаклга бўлган қизиқишни янада орттиришга хизмат қилган;

диссертациянинг маконни ифодаловчи дейктик бирликлар бўйича хулосаларидан Франция Республикаси Ассамблеяси ташаббуси билан Безансоннинг «Амалий тилшунослик маркази» томонидан Марказий Осиё француз тили ўқитувчилари учун ташкил этилган масофавий тренинг давомида фойдаланилди (Centre Linguistique Appliqué de Besançon нинг 2020 йил 20 июлдаги маълумотномаси). Натижада тренинг иштирокчиларида француз ва ўзбек тилларида макон ифодаловчи дейктик бирликлардан матнларда унумли фойдаланиш, шунингдек, дейктик бирликлар моҳиятини англаш, оғзаки ва ёзма нутқда уларни кўллай олиш самарадорлигини оширишга эришилган;

маконни ифодаловчи дейктик бирликларнинг француз ва ўзбек тилларида ифодаланиши, ўзига хос ва фарқли жихатларини оммабоп нутқимизда нафақат сўзловчига, балки тингловчига нисбатан ҳам таъсир кўрсатиши ҳақидаги таҳлилий фикрлар ва назарий хулосалардан “O'zbekiston” телерадиоканали ДУК “Маданий-маърифий ва бадиий эшиттиришлар” муҳаррияти томонидан тайёрланган “Таълим ва тараққиёт”, “Фан уфқлари” номли радиоэшиттиришларининг 2021 йил январь ва февраль ойларида тадқиқот юзасидан суҳбатлар бўлиб ўтган. (“O'zbekiston” Миллий телерадиокомпаниясининг 2021 йил 4 мартдаги O'z/k-1-24-21-сон маълумотномаси). Натижада кенг кўлланилувчи, оммабоп маконни ифодаловчи дейктик белгилар француз ва ўзбек тилларида шаклланишининг

ўзига хос ўхшаш ва фарқли жиҳатларини ёритиб бориш каби амалиётларда манба сифатида татбиқ этилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 16 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 5 таси республика ҳамда 2 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 153 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсад ва вазифалари, шунингдек тадқиқотнинг объект ва предмети шакллантирилган, тадқиқот ишининг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгиликлар ва тадқиқотнинг амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини жорий қилиш, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши ва ҳажми ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Макон референциясида дейктик бирликларни тадқиқ этишнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи боби матн ва дискурснинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда уларни ташкил этишда прагматик ва референциал аспектларнинг аҳамияти каби масалаларни ўрганишга бағишланган. **“Матн ва дискурс тушунчаларининг тадқиқи”** деб номланувчи биринчи параграфда матн ва дискурс дихотомиясига оид назарий тушунчалар тизимлаштирилди. Тил сатҳлари доирасида энг юқори поғонадаги бирлик сифатида ўрганиш объекти гап деб ҳисоблаб келинган бўлса, XX аср охиридаги фанлараро интеграциянинг кучайиши натижаси ўлароқ тилнинг қурилиш объекти матн эканлиги масаласи юзага келди. Шу тариқа олимларнинг эътибори “ўзаро бириккан бир неча гаплардан ташкил топган нутқ парчаси”⁷га қаратилди ва бирор мақсад ифодасига кўра мазмунан муносабатга киришишидан ташкил топган фразалар бирлиги матн сифатида изоҳланди⁸. Тилшунослардан Р.Барт, И.Р.Гальперин, Э.Бенвенист, Т.Ван Дейк, А.Нурмонов, Ш.Сафаровларнинг матн тушунчаси ҳақидаги фикр-мулоҳазалари ва илмий концепциялари уни кенгроқ тушунишга имкон беради. Илмий адабиётларда матн ҳақида сўз борганда дискурс атамаси ҳам

⁷Барт Р. Лингвистика текста. // Новое в зарубежной лингвистике. Выпуск VIII. Лингвистика текста. – Москва: Прогресс, 1978. – С. 220.

⁸Пфютце М. Грамматика и лингвистика текста. // Новое в зарубежной лингвистике. Выпуск VIII. Лингвистика текста. – Москва: Прогресс, 1978. – С. 443.

учрайди. Дискурс — актуал айтилган матн, яъни нутққа тегишли тушунча, кенг маънода коммуникатив ҳодиса, сўзловчи ва тингловчи ўртасида оғзаки ёки ёзма, вербал ёки новербал тузилишга эга бўлган жараён, инсон фаолияти туридир. З.Харрис, Т.Ван Дейк, А.Кибрик, Н.Д.Арутюнова, С.Мухаммедова, М.Сапарниёзова, Ш.Сафаров, А.Пардаевларнинг назарий ғоялари дискурснинг моҳиятини англашда ёрдам беради. Олимларнинг матн ва дискурс хусусидаги таъриф ва тавсифлари тизимлаштирилганда уларнинг фаркли ва алоқадорлик хусусиятлари аниқланди. Бунда, асосан, матн ва дискурсни тил тизимида коммуникатив, прагматик ва стилистик сатҳларда ўрганишга катта аҳамият берилган бўлиб, матн ва дискурснинг мақсадлилиқ, информативлик, антропоцентриқ, яратувчанлик, коммуникативлик каби хусусиятлари уларнинг алоқадорлигини ташкил этиши ҳақида фикрлар баён этилган.

Биринчи бобнинг иккинчи параграфида “**Макон референциясида дейксиснинг ўрни**” тадқиқ қилинган. Матн мазмуни “коммуникоцентриқ” жиҳатдан тавсифланганда, унинг денотатив ва сигнификатив хусусиятлари қаторига пресуппозиция, пропозиция, референция, экспликатура, инференция, имплекатура, релевантликлар киритилади⁹.

Макон референцияси нутқда акс этган макон ифодасининг борлиққа муносабати, яъни макон ҳақида тасаввурнинг ҳосил бўлиши билан характерланади. Матнда референция уч омил асосида белгиланади: а) синтактик, б) маъно-мантик, в) прагматик¹⁰. Референция турлари ичида прагматик омил суҳбатдошнинг билишга муносабати билан фарқланади. Бунда ушбу референциянинг предметлилиқ, локаллик, темпораллик хусусиятлари матн таҳлилида алоҳида ўрин тутаяди. Локал референциянинг вазифаси объект ва субъектни маълум маконда жойлаштириш ҳисобланади. Бу ҳолатда қуйидаги тасниф ҳосил бўлади:

а) тингловчига ҳам, сўзловчига ҳам маълум макон ҳақида суҳбат кечиши **аниқ референция**: *Китоб мана шу ерда.*

б) фақат сўзловчига маълум бўлган макон ҳақида суҳбат бўлиши (тингловчи тасаввурида акс этмаган) **ярим аниқ референция**: *Бу ерда китоб бор.*

в) тингловчига ҳам, сўзловчига ҳам номаълум бўлган макон ҳақидаги суҳбатда **ноаниқ референция**: *У китобни қаердадир кўрган эди*¹¹.

Мисолларда *бу ерда, шу ерда, қаердадир* макон маъноли бирликлар сўзловчи ва тингловчи ўрнига кўра фарқланмоқда. Шунингдек, референция прагматика таркибидаги тушунча сифатида қаралар экан, у қуйидаги семантик қарама-қаршилиқлардан ҳоли эмас: булар сўзловчи учун маълум/номаълумлик, муқобил/номуқобиллигини таҳлил қилиш ва ҳ.. Шу сабабдан референцияни амалга ошириш воситалари деярли ҳар вақт дейктик ва тилдаги эгоцентриқ элементларнинг ўзагини ташкил қилади.

⁹Макаров М.Л. Основы теории дискурса. — Москва: Гнозис, 2003. — С. 280.

¹⁰Лингвистический энциклопедический словарь. <http://tapemark.narod.ru/les/411a.html> (Мурожаат қилинган сана: 4.04.2019.)

¹¹ Лингвистический энциклопедический словарь. <http://tapemark.narod.ru/les/411a.html> (Мурожаат қилинган сана: 4.04.2019.)


Биринчи бобнинг учинчи параграфи “**Дейктик бирликларнинг лингвистик талқини**” деб номланади. Дейксис тушунчаси тилшуносликда (юнонча (δείξις) -“*кўрсатмоқ, кўрсатиш*”) тарихан юнон тилидаги артикль ва олмошларни ўрганишга бағишланган масалалар тадқиқи билан боғланади.

Француз тили луғатларидан бири “Larousse”да “дейксис” терминини “кўрсатишга, ишора қилишга хизмат қилувчи бирликлар” деб таърифланади. Унинг вазифаси ва маъноси нутққа боғлиқлиги қайд қилинади¹². Лекин бу тушунчанинг ўзи ва асосий дейктик категориялар тавсифи ҳозирга қадар тўлиқ шаклланмаган ва бир йўсинда қўлланилмайди.

Тарихий қиёсий тилшунослик даврига келиб, дейксис ҳодисасини ўрганиш тарихида дейксисни замонавий тушуниш лозимлиги тўғрисидаги янги давр бошланди. Бу даврда дейктик марказ ва дейктик бирликлар хусусиятларини ўрганишга қизиқиш кучайди. Дейктик марказ сифатида *Мен* (сўзловчи), *бу ерда* (жумла айтилган макон), ва *ҳозир* (жумла айтилган вақт) кабилар белгиланиб, дейктик бирликларнинг ситуативлик, эгоцентризм, субъективлик, лаҳзалилик (мгновенность) ва хаёлийлик (эфемерность) каби асосий хусусиятлари қайд этилди.

XX асрнинг охири йилларига келиб, прагматика кенг ўрганила бошланди. Натижада дейксис ҳодисасининг мазмун-моҳияти бойиди ва у ўзига хос тарихий тараққиётга эга бўлди. Шунга кўра, дейксис тушунчасининг талқинини қуйидагича даврлаштириш мумкин.

1-жадвал



Дейксис прагматиканинг муҳим бирликларидан бири ҳисобланар экан, ўзи қўлланилаётган контекст ва тил тузилиши муносабатларини боғлаб турувчи восита дейиш ҳам мумкин. Шунингдек, дейктик бирликлар тил тизимида сўзларнинг тежамкорлик қонуниятига асосланиб, матнда қайтариқлар бўлишининг олдини олади.

Диссертациянинг “**Француз ва ўзбек тилларида маконни ифодаловчи дейктик бирликларнинг структур-семантик хусусиятлари**” деб

¹²Larousse. <https://www.larousse.fr/dictionnaires/francais/d%e3%a9ixis/188435> (Access date: 10.03.2020.)

номланган иккинчи бобда макон маъноси ва макон дейктик бирликларининг гап структур-семантик тузилишидаги ўрни тадқиқ қилинган.

Мазкур бобнинг биринчи параграфи “**Макон кўрсатиш параметрлари**” деб номланиб, бунда макон муносабатларини ўрганишда макон параметрларини аниқлаб олиш аҳамияти ва борлиқда макон параметрлари сўзловчи жойлашган макон марказидан йўналувчи тўрт нуқтадан келиб чиқиб белгиланиши ёритилган. Булар: *devant*(олдида), *derrière*(орқада), *à droite*(ўнгда), *à gauche*(чанда). Бундай ёндашув макон ишора бирликларини таҳлил қилишни ва уларнинг тизимини яратишни осонлаштиради. Шунингдек, макон дейктик бирликлари илмий манбаларда кўрсатиш олмоши ва равишлар билан ифодаланиши қайд қилинган бўлиб, равишлар билан ифодаланган макон дейксисининг сўзловчи, тингловчи ва ўзга шахс макон мўлжалига кўра 3 тури фарқланган¹³.

Бу ҳолатни француз тилида қуйидагича таснифладик:

а) сўзловчи мавжуд бўлган макон (*ici*): “*N’ai pas peur, Marcel, je suis ici. Est-ce qu’ils t’ont frappé?*”¹⁴

б) тингловчи макони (*là*): “*Restez là, dit Maigret, je viens.*”¹⁵

в) ўзга шахс макони (*là-bas*): “*Là-bas, près du pont, un pêcheur surveillait sa ligne...*”¹⁶.

Ўзбек тилида:

а) сўзловчи мавжуд бўлган макон: (бу ер, шу ер) — *Аммо яшолмайман бу ерда! Ўзимни ўлдираман!*¹⁷

б) тингловчи макони: (у ер) — *Меҳмон гап орасида икки йилдан бери Ленинградда яшаётгани, у ерда янги бир институт очилиб, уни профессор сифатида тақлиф қилишганини айтди*¹⁸.

в) ўзга шахс макони: (ўша ер) *Аҳрорнинг дадаси ўша ерда экан. Битта қўй сўйиб берди*¹⁹.

Ўзбек тилида кўрсатиш олмошларининг шакллари кўплиги боис ундан ҳосил бўлган равишлар сўзловчи, тингловчи ва ўзга шахс оралиғидаги масофа нуқталари бўлган маконнинг даражаланишини ҳосил қилади. *Бу ерда, шу ерда, у ерда, мана бу ерда, ана у ерда, ҳув ана у ерда* каби. Француз тилида бундай хусусият аниқланмади. Француз тилида ўрин равишларининг *ici, là, là-bas* уч хили мавжудлиги ўзбек тилидаги *бу ерда, шу ерда, мана бу ерда, мана шу ерда* биргина *ici* дейктик равиши, *у ерда, ана у ерда là* дейктик равиши, *ўша ерда, ана ўша ерда* эса *là-bas* дейктик равиши эквивалентлари билан ифодаланиши аниқланди. Ўзбек тилида макон нуқтасини белгилашда даражаланиш хусусияти аҳамиятли эканлиги қайд қилинди.

¹³ Корнева В.В. Испанские дейктические наречия в зеркале русских наречий // Вестник. №1. –Воронеж, ВГУ, 2004, — С. 35.

¹⁴ Georges Simenon. Maigret tend un piège. — Hachette-Éducation, 2003. — P. 71.

¹⁵ Кўрсатилган асар: Georges Simenon. — P. 62.

¹⁶ Кўрсатилган асар: Georges Simenon. — P. 82.

¹⁷ Ҳошимов Ў. Тушда кечган умрлар. — Тошкент: Адабиёт ва санъат, 2002. — Б. 30. www.ziyouz.com кутубхонаси. (Мурожаат қилинган сана: 06.06.2019.)

¹⁸ Умарбеков Ў. Одам бўлиш кийин. — Тошкент: Шарқ, 2007. — Б. 42. www.ziyouz.com кутубхонаси. (Мурожаат қилинган сана: 06.04.2019.)

¹⁹ Кўрсатилган асар: Ўлмас Умарбеков. — Б. 41.

Иккинчи бобнинг иккинчи параграфида **француз ва ўзбек тилларида маконни ифодаловчи дейктик бирликларнинг семантик хусусиятлари ўрганилган**. Маконни ифодаловчи дейктик бирликларга мазмунан коммуникатив шахсларнинг нутқий макон марказига нисбатан йўналтирилганлигини ифодаловчи бирликлар киради. Маконга ишора қилувчи бирликлар предмет ёки шахснинг жойлашган маконини бевосита ишора қилиш йўли билан аниқлаш имкониятига эга²⁰.

Ю.Д.Апресян маконга ишора қилувчи воситаларни тадқиқ қилар экан, ўрин равишини бошқа равишлардан фарқли сўзловчи кўриш майдонидаги маконга ишора қилишини таъкидлаб, уларни икки зидлик муносабатига эга бўлган: а) проксимал дейксис – яқиндаги макон, б) экстремал дейксис – узоқдаги маконга ишора маъноларига бўлади²¹.

Проксимал дейксис сўзловчи ўзи мавжуд бўлган ва сўзловчининг кўриш доирасидаги, яъни сўзловчига яқин маконга ишора қилади. Масалан, Француз тилида: — *Est-que votre mari est ici, madame?*²² Ўзбек тилида: — *Богни кўрсам бўладими? — журъатсизгина сўради Юсуф. — Бемалол, — мезбон яна бир бор дуо ўқиб ўрнидан турди. Юсуф унга эргашиб бог томонга ўтди. Ўтди-ю боққа кўзи тушар-тушмас юраги «шув» этиб кетди: ахир бу ерда бог йўқ эди, унинг соясигина қолганди...*²³. Бу мисоллардан ҳар икки тилда ҳам нутқ жараёнида сўзловчи ўзи ўша маконда мавжуд эканлиги кўринади.

Француз тилида: *En face de lui il apercevait une estrade sur laquelle se trouvait un fauteuil doré*²⁴. Ўзбек тилида: *Ёнида ўтирган кундоши тирсаги билан биқинига икки-уч туртгандан кейин, Унсин бошини кўтариб, болоқазодай тикилиб турган додҳога бир кўз ташлади-ю, яна бошини эгди*²⁵. Бу мисолларда эса макон воситалари сўзловчининг кўриш доирасидаги, яъни яқин маконга ишора қилмоқда.

Экстремал дейксис узоқ маконга алоқадор бўлган дейктик бирликлар билан ифодаланади. Узоқдаги маконга ишора ҳам сўзловчига кўринарли макон ёки сўзловчи доирасидан ташқари кўринмас бўлган маконларга бўлинади. Француз тилида: — *Pose là ton raquet*²⁶. Ўзбек тилида: *У тагимдан жомадонни юлқиб кўтарди. Нарироқда от-арава турган экан*²⁷. Бунда сўзловчига кўриниб турган, лекин узоқда бўлган маконга ишора қилинмоқда. Қуйидаги жумлаларда кўринмас маконга ишора қилинади, француз тилида: — *Au loin on entendit des cris d'oiseaux*²⁸. Ўзбек тилида: — *Бизам мардикор*

²⁰Уфимцева А.А. Типы словесных знаков. – Москва: Наука, 1977. – С. 64

²¹Апресян Ю.Д. «Дейксис в лексике и грамматике и наивная модель мира».- С.275 http://pcs.math.msu.su/~uspensky/journals/siio/35/35_12APRES.pdf (Дата обращения: 12.01.2019.)

²² Кўрсатилган асар: Georges Simenon. — P. 63.

²³ Улуғбек Ҳамдам. Мувоzanат. — Тошкент: Шарқ, 2007. — Б. 216.

²⁴ Eхupéry А. Le petit prince. — P. 70. <http://www.ebooksgratuits.com/> (Access date: 24.05.2019.)

²⁵ Абдулла Қахҳор. Даҳшат. — Тошкент: Шарқ, 2012. — Б. 13.

²⁶ Eхupéry А. Le petit prince. — P. 18. <http://www.ebooksgratuits.com/> (Access date: 24.05.2019.)

²⁷Ҳошимов Ў. Икки эшик ораси. — Тошкент: Шарқ, 2012. — Б. 44. www.ziyouz.com кутубхонаси. (Мурожаат қилинган сана: 17.02.2020.)

²⁸ Bernard Werber. Paradis sur mesur. – Paris: Éditions Albin Michel et Bernard Werber, 2008. — P. 292.

бозорига бир ҳафтадан буён чиқамиз. Сизни **ўша ерда** кўрдик, — жавоб берди Шавкат²⁹.

Таҳлиллар натижасида француз ва ўзбек тилларида макон ифодаловчи дейктик бирликларнинг семантик хусусиятлари қуйидагича тавсифланди: яқин макон – а) сўзловчи идроки доирасидаги макон, б) сўзловчига таниш-маълум макон, в) сўзловчи ва тингловчи нутқи жараёнидаги аниқ макон, г) суҳбатдош ва сўзловчига кўриниб турган макон, узоқ макон – а) сўзловчи идроки доирасидан ташқари макон, б) сўзловчи предмет макони ҳақида маълумотга эга бўлмаган - номаълум макон, в) сўзловчи ёки предметнинг “ёт” маконда жойлашиши – ноаниқ макон, г) предмет сўзловчига кўринмайдиган макон.

Иккинчи бобнинг “**Француз ва ўзбек тилларида макон семантикали гапларнинг структур-семантик тузилиши**” деб номланган учинчи параграфида макон дейксисининг француз ва ўзбек тилларида статик, динамик, макон чизиги бўйлаб ҳаракатланиш ҳолатлари структур-семантик жиҳатдан Loc–локатив, DS–директив-старт, DF–директив-финиш, TrLoc–транслокатив ҳаракатнинг ҳосил бўлиш векторини ифодалаш кабиларни ташкил этиши аниқланди:

1) Loc – локатив, субъект жойлашган макон ёки субъект кўчиши давомидаги маконга ишора қилади. Француз тилида: *Le batiment se trouve ici*. Ўзбек тилида: *Бино шу ерга қурилган эди. Қушлар овози дам у ердан, дам бу ердан келарди.*

2) DS – директив-старт, ҳаракат йўналишининг қайсидир макондан бошланишига ишора қилади. Француз тилида: *Le feu a commencé dès la forêt*. Ўзбек тилида: *Мусобақага старт шу ердан бошланади.*

3) DF – директив-финиш ҳаракатнинг қайси макон томон йўналиши ва маконнинг тугаш нуқтасига ишора қилади. Француз тилида: *Le train va jusqu'à la station*. Ўзбек тилида: *Одамлар шу ергача келишди.*

4) TrLoc – транслокатив ҳаракатнинг ҳосил бўлиш векторини ифодалаш кабиларни ташкил этади. Француз тилида: *Je pars pour Paris*. Ўзбек тилида: *Мен Парижга кетяпман.*

Экзистенциал феъллар орқали предикатнинг ифодаланишида маконнинг статиклик хусусият намоён қилиши аниқланди. Француз тилида экзистенциал маъноли *exister, posséder* феълларининг шахссиз шакли ва *il y a* конструкцияси орқали ифодаланади. Масалан: *Il y avait le jardin ici*. Ўзбек тилида бу ҳолат боғлама, *бор* модал сўзи, *турмоқ*, *ётмоқ*, *ўтирмақ*, *осилмоқ* каби феъллар орқали берилади³⁰. Масалан, *Турмоқ: Китоб столда турибди.*

Француз тилида макон ишора бирликларининг динамик хусусияти ўрин-жой предлоглари билан, ўзбек тилида макон келишиклари ва от-кўмакчилар билан қўлланади. Бу ҳолат қуйидагича ифодаланади: а) субъект ёки объектнинг қайсидир макон нуқтасига кўра йўналишини ифодаловчи, б)

²⁹ Кўрсатилган асар: Улуғбек Ҳамдам. — Б. 139.

³⁰Рахимов С. Способы обозначения дифференцированного положения предметов в пространстве. // Илмий хабарнома. № 4 – Андижон, 2014. – С. 78-79.

қайсидир макон нуқтасига тааллуқли ҳаракатланишни ифодаловчи воситалар орқали каби.

Маконни ифодаловчи дейктик бирликларнинг француз ва ўзбек тилларидаги тадқиқи ҳар икки тил ўзига хос структур-семантик хусусиятларга эга эканлигини исботлади. Структур-семантик жиҳатдан буларни тил аспекти доирасида ўрганиш барча тил элементлари аҳамиятини очиб беради.

Учинчи боб “Француз ва ўзбек тилларида маконни ифодаловчи дейктик бирликларнинг синтактик ва стилистик тадқиқи”га бағишланган. Ушбу бобнинг “Маконни ифодаловчи дейктик бирликлар синтактик хусусиятларининг чоғиштира таҳлили” номли биринчи параграфида ҳар икки тилда макон ифодаловчи дейктик бирликларнинг гап конструктив структурасида ҳол вазифасида келиши моделлар асосида ёритилган.

2-жадвал

Француз ва ўзбек тилларида макон дейксисининг синтактик вазифа моделлари

Француз тилида макон дейксисининг ҳол вазифасида ифодаланиши	
Феъл + ўрин равиши	Предлог + от
Pv+ici	Loin de + S
Pv+là	Près de + S
Pv+là-bas	Devant + S
Pv+au-dessous	Derrière +S
Pv+en haut	Autour de +S
Pv+au-dessus	Au milieu de + S
Pv+derrière	Au centre de + S
Pv+dehors	Au-dessus de+S
Pv+dedans	Au-dessous de +S
Pv+devant	À coté de +S

*Изоҳ: Pv (Prédicat verbe)-предикат феъл, S (substantif)-от

Ўзбек тилида макон дейксисининг ҳол вазифасида ифодаланиши	
Ўрин-жой оти (қўшимча, қўмакчи) + феъл	Ўрин равиши + феъл
Ҳга + Пф:	Ҳбу ерга+Пф
Ҳда + Пф	Ҳшу ерга+Пф
Ҳдан + Пф	Ҳу ерга+Пф
Ҳгача + Пф	Ҳмана бу ерга+Пф
Ҳга қадар + Пф	Ҳана бу ерга+Пф
Ҳга довур + Пф	Ҳичкарида+Пф
Ҳга томон + Пф	Ҳташқарида+Пф
Ҳорасида + Пф	Ҳустида+Пф
Ҳбўйлаб+ Пф	Ҳостида+Пф
Ҳўртасида+ Пф	Ҳтепада+Пф
Ҳолдида+ Пф	Ҳпастанда+Пф

*Изоҳ: Ҳ-ҳол, Пф-предикат феъл

Француз ва ўзбек тилларидаги бу моделлар қуйидаги мисолларда ўз аксини топган. Француз тилида: Pv+ici: —*Monsieur, vous êtes ici le seul représentant des musées, dit Gringoire*³¹. Devant + S: *Devant le bois de lit était un bassin de cuivre pour les aumônes*³². Ўзбек тилида: Ҳшу ерга+Пф: *Ҳусан бувам билан Оқсоқол бувага худди шу ерда ажина даф қилган-да*³³.

³¹ Hugo V. Notre-Dame de Paris. — Édition du groupe «E-books libres et gratuits». 2006. — P. 53. http://www.crdp-strasbourg.fr/je_lis_libre/livres/Hugo_NotreDameDeParis.pdf (Acesse date: 27.01.2020.)

